



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil «20» май

№ПҚ-181

Чарм-пойабзал, ипакчилик ва гиламчилик тармоқларини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика чарм-пойабзал, ипакчилик ва гиламчилик соҳаларининг инвестицион жозибадорлигини ва рақобатбардошлигини янада ошириш, ушбу соҳаларнинг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, маҳаллий маҳсулотларни хорижий бозорларга кенгроқ кириб бориши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, АТ “Халқ банки”, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, Жиззах ва Тошкент вилоятлари ҳокимликларининг:

Шароф Рашидов туманида, шунингдек **Оҳангарон** туманида ташкил этилган чарм-пойабзал кичик саноат зонаси ҳудудини кенгайтириш орқали, чармни чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган чарм-пойабзал саноати кластерларини (кейинги ўринларда – саноат зоналари) ташкил қилиш;

саноат зоналарида **тадбиркорлар талаблари асосида ишлаб чиқариш биноларини**, шунингдек, **сув тозалаш иншоотларини қуриш ва бошқаришни** “Ўзчармсаноат” уюшмаси ва Савдо-саноат палатаси таъсисчилигида ташкил этиладиган чарм-пойабзал саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига (кейинги ўринларда – Дирекциялар) юклиши тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки, чарм-пойабзал маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш учун қулай молиявий шарт-шароитлар яратиш мақсадида қўйидаги **қўллаб-қувватлаш механизmlari** жорий этилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 февралдаги “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

ПҚ-143-сон қарорига асосан чарм-пойабзal ва мўйначилик соҳаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларида очилган **40 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги кредит линиялари маблағлари Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (Ж.Ходжаев) (кейинги ўринларда – Ҳукумат комиссияси) қарорига асосан қўйидаги йўналишларга қайта тақсимланади:

Дирекцияларга тижорат банклари орқали 10 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 5 фоиз (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада – тадбиркорлар талаблари асосида ишлаб чиқариш биноларини, шунингдек, сув тозалаш иншоотларини қуриш учун;

Саноатни ривожлантириш жамғармасига (кейинги ўринларда – Жамғарма) – қиймати 5 миллион АҚШ долларигача миқдордаги пойабзal, чарм-атторлик маҳсулотлари, фурнитура, аксессуарлар, пойабзal қолиллари, пойабзal тагликлари, устки қисмлари, сунъий чарм ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш учун ташкил этиладиган корхоналарнинг устав капиталига **асбоб-ускуна қийматининг 15 фоизи миқдорида** Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг улуши сифатида киритиш учун. Бунда:

Жамғарма маблағларидан шаклланадиган улуш **25 фоиздан ошмаслиги** ҳамда лойиҳа ташаббускори улуш сифатида ўзининг ишлаб чиқариш учун зарур бўлган **бино, иншоот ва бошқа активларини** киритиши талаб этилади;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш мақсадида ушбу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6260-сон Фармони асосида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан очилган кредит линиясини мақбуллаштириш эвазига ажратилиши инобатга олинсин;

б) саноат зоналари ҳудудига киритилиши назарда тутилган ер участкалари Вазирлар Маҳкамаси қарори билан йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун баҳоланган қийматда **10 йилгacha муддатда** бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан 49 йилга Дирекцияларга ижарага берилиши, шунингдек, ушбу ер участкаларида Дирекциялар томонидан қуриладиган обьектлар ер учун тўлов тўлиқ тўлангунга қадар тадбиркорларга чекловларсиз реализация қилиниши мумкин;

в) саноат зоналари ҳудудида қуриладиган ишлаб чиқариш бино-иншоотлари тадбиркорларга тўғридан-тўғри 7 йилгача муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан ёки ижара асосида берилади;

г) пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналарни харид қилиш мақсадида хорижий валютада ажратиладиган кредитларнинг **3 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлмаган қисми** бўйича фоиз харажатларининг **6 фоиз банддан юқори қисми**, бироқ 5 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан компенсация қилиб берилади;

д) хорижий брендларни жалб қилган пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга “сорсинг” компаниялари учун сарфланган харажатнинг **30 минг АҚШ долларигача қисми қоплаб берилади**.

АТ “Халқ банки” ва “Ўзчармсаноат” уюшмаси **бир ой муддатда** хорижий брендларни жалб қилган ҳар бир корхонага “сорсинг” компаниялари учун сарфланган харажатнинг **30 минг АҚШ долларигача қисмини қоплаб бериш тизимини йўлга қўйсин**.

Бош вазир ўринbosарлари Ж.Ходжаев ва Ж.Қўчқоров **бир ой муддатда** мазкур банднинг “а” кичик бандида назарда тутилган маблағларни молиялаштириш ва уларни қайтариш механизмини белгилаб берсин.

3. Белгилансинки, Дирекциялар ўз фаолиятини унинг бошқарув органлари томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ амалга оширади ва уларнинг фаолиятига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат харидларини амалга ошириш, техник топшириқлар, шартномаларни экспертизадан ўтказиш, мол-мулкни аукцион орқали сотиш ҳамда давлат улуши мавжуд корхоналар учун белгиланган бошқа талаблар татбиқ этилмайди, шунингдек, уларга объектларни хўжалик усулида қуришга рухсат этилади.

4. 2026 йил 1 январга қадар Дирекциялар ва саноат зоналарида ташкил этиладиган корхоналар мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан озод этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

5. Мазкур қарорнинг 2-банди “а” кичик бандига мувофиқ, Жамғарма маблағлари ҳисобидан корхоналарнинг устав капиталига киришда шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

лоийҳаларни амалга ошириш учун лойиҳа ташаббускори хорижий бренд ва инвесторлар билан келишувга эришиши ҳамда уларни жалб этиши мажбурий ҳисобланмайди;

лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш рентабеллиги кўрсаткичи 10 фоиздан кам бўлмаслиги талаб этилади;

Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази томонидан лойиҳа доирасида фақат харид қилинадиган асбоб-ускуналар нарх параметрларининг жорий бозор конъюнктурасига мувофиқлиги кўриб чиқилади;

Жамғарманинг муайян лойиҳада иштирок этиш шартлари Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан тасдиқлаш учун Ҳукумат комиссиясига киритилади.

6. Ҳукумат комиссиясига (Ж.Ходжаев) гиламчилик корхоналарига, уларнинг буюртманомаларига асосан, хомашё етказиб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 январдаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–2-сон Фармонига асосан айланма маблағлар учун ажратилган ресурсларни йўналтиришга, шу жумладан ташқи савдо компанияларини тўғридан-тўғри молиялаштирган ҳолда, рухсат этилсин.

7. Тошкент вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда “Ўзчармсаноат” уюшмасининг Оҳангарон туманида ташкил этилган чарм-пойабзal кичик саноат зonasи ҳудудини 20 гектар ер участкасини ажратиш орқали кенгайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда “Ўзчармсаноат” уюшмаси **икки хафта мuddатda** кичик саноат зonasи ҳудудини кенгайтириш учун ажратиладиган ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича асослантирилган таклифларни Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига киритсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, Андижон, Бухоро, Жizzah, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари, Савдо-саноат палатаси, АТ “Халқ банки” ҳамда “Ўзчармсаноат” уюшмаси ҳудудларда ташкил этилган чарм-пойабзal кичик саноат зоналарида 2024–2026 йилларда амалга ошириладиган, умумий қиймати камида **100 миллион АҚШ доллари бўлган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини **бир ой мuddатda** шакллантирсив ва Ҳукумат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.**

Ҳукумат комиссияси ушбу инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаб, бажарилишини таъминласин.

9. Савдо-саноат палатаси халқаро консалтинг компаниясини жалб қилган ҳолда **уч ой муддатда тўқимачилик ва чарм-пойабзал саноатини ривожлантиришнинг 10 йиллик стратегияларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.**

Халқаро консалтинг компаниясини жалб қилиш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 майдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-71-сон Фармонининг 7-бандига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилсин.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги стратегиялар ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириб борсинг.

10. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда “Ўзчармсаноат” уюшмаси билан биргаликда Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан халқаро эксперталарни жалб қилиб, 2024–2025 йилларда режа-жадвал асосида камида 10 та маҳаллий тайёр чарм ишлаб чиқариш корхонасида халқаро сифат сертификатлари (“LWG” халқаро ташкилотининг сифат сертификати даражасидан паст бўлмаган) жорий қилинишини таъминласин.

11. Белгилансинки, автоматлаштирилган мажмуалар билан жиҳозланган сўйиш корхоналари томонидан импорт қилинган чорва молларидан ҳосил бўлган гўштнинг (ТИФ ТН кодлари 0201 ва 0202) умумий вазнидан 50 фоизгача миқдорини экспорт қилишга Вазирлар Маҳкамаси томонидан рухсат берилади.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2024 йил 1 июлдан бошлаб:

банкларга чарм-пойабзал, ипакчилик ва гиламчилик саноати йўналишидаги экспортчи корхоналарнинг экспорт шартномаси бўйича тўлов талаб қилиш ҳуқуқини, жумладан “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан банк хизматлари учун харажатларни чегирган ҳолда сотиб олишга рухсат берилади. Бунда пул келиб тушишини кафолатлаш учун экспортчи банкка ўз мулкини гаровга қўяди ёки бошқача таъминот тақдим этади;

“А” ва ундан юқори тоифадаги чарм-пойабзал, ипакчилик ва гиламчилик саноати йўналишидаги экспортчи корхоналарга аккредитивни гаровга олган ҳолда унинг 70 фоизи миқдорида ажратиладиган кредитлар учун банкларга “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан маблағ тақдим қилиш тизими жорий қилинади;

маҳаллий гилам маҳсулотларини халқаро кўргазмаларга чиқаришда 300 квадрат метргача бўлган майдонлар учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари татбиқ этилади;

пойабзал, чарм-атторлик, жундан тайёрланган ва мўйначилик маҳсулотлари ҳақида маълумотларни Электрон кооперация порталига ва Давлат харидлари маҳсус ахборот порталига жойлаштириш ушбу маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражаси камидан 30 фоиз бўлган тақдирда бериладиган товарнинг келиб чиқиш сертификати асосида амалга оширилади.

13. Савдо-саноат палатаси ва тармоқ уюшмаларининг хорижий давлатларда маҳаллий маҳсулотларни сотишга мўлжалланган савдо уйлари ва омборхоналар фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда мазкур савдо уйлари ва омборхоналар:

Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ташкил қилинади ва маҳаллий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли шартларда фойдаланишга берилади;

фаолиятини ташкил қилишга Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда амалий ёрдам кўрсатади.

Ҳукумат комиссияси (Ж.Ходжаев) икки ҳафта муддатда Савдога кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижий давлатларда савдо уйлари ва омборхоналар фаолиятини ташкил қилиш ва уларни тадбиркорлик субъектларига бериш тартибини тасдиқласин.

14. Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 майдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-71-сон Фармонининг 6-бандига асосан ташкил этиладиган маҳаллий енгил саноат маҳсулотлари ҳамда зарурий импорт хомашёсининг улгуржи бозорида чарм-пойабзал маҳсулотлари, уларнинг импорт хомашёси ва бутловчи буюмлар сотувчилари жойлаштирилишини таъминласин.

15. Чарм-пойабзал соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мақсадида дастлаб Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида чарм-пойабзал соҳаси корхоналари учун қисқа муддатли тайёрлов ўқув курслари ташкил этилсин. Бунда:

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қисқа тайёрлов ўқув курсларини ташкил этиш учун тадбиркорларга қулай бўлган олий таълим муассасаларидан зарур бино ва хоналар ажратилишини таъминласин;

Савдо-саноат палатаси “Ўзчармсаноат” уюшмаси билан биргалиқда **икки ой муддатда** Туркия, Хитой, Ҳиндистон давлатларидан юқори малакали ўқитувчи ва мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

ушбу ўқув курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Савдо-саноат палатасининг Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан фойдаланишга рухсат берилсин.

16. Савдо-саноат палатаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргалиқда **икки ой муддатда** чарм-пойабзal, тўқимачилик ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланган ҳудудларда мавжуд коллежларни енгил саноат соҳаси учун мутахассислар тайёрлайдиган ихтисослаштирилган коллежларга айлантириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

17. Ички ишлар вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси **икки ҳафта муддатда** хориждан жалб қилинган мутахассисларни вақтинчалик яшаш манзили бўйича рўйхатга олиш муддатини уларга меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун бериладиган тасдиқноманинг амал қилиш муддати билан бир хил қилиб белгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

18. Белгилансинки, жами майдони 2 гектар ва ундан катта бўлган тутзорлар четида намунавий лойиҳа асосида пилла етиштириш учун вақтинчалик иморат шаклида бетон пойдеворли маҳсус қуртхоналарни вақтинчалик жойлаштиришга рухсат берилади. Бунда намунавий лойиҳадан четга чиқилганда ёки обьектдан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ушбу обьектларни суд қарорисиз мулқдор ҳисобидан бузиш чоралари кўрилади.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси ҳамда Ипакчилик илмий-тадқиқот институти билан биргалиқда **бир ой муддатда** тутзорлар четида маҳсус қуртхоналарни вақтинчалик жойлаштириш бўйича намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш чораларини кўрсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Баш вазир ўринбосари Ж.А.Ходжаев ва Савдо-саноат палатаси раиси Д.А. Вахабов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Баш вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 20 майдаги ПҚ-181-сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси
Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4453-сонли қарори 2-бандининг “а” кичик банди қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда ТИФ ТН бўйича 4104 кодига мувофиқ ярим тайёр чармни олиб чиқиша 2024 йил 1 июлдан бошлаб 10 фоиз, лекин бир тоннаси учун 300 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда, 2026 йил 1 январдан бошлаб 20 фоиз, лекин бир тоннаси учун 600 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда, 2028 йил 1 январдан бошлаб 30 фоиз, лекин бир тоннаси учун 900 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда йиғим ундирилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 27 сентябрдаги “Чарм-пойабзал ва мўйна маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги 531-сон қарорига иловада:

а) 5-позиция қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
“

5.	Жizzах вилояти	Шароф Рашидов тумани	19
----	----------------	----------------------	----

”,

б) 12 ва 13-позициялар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
“

12.	Тошкент вилояти	Оҳангарон тумани	35,7
-----	-----------------	------------------	------

”,

